

ТИББИЁТ ҲУҚУҚИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАР

Юсупова Фарингиз Уктам қизи

ТДЮУ “Ҳалқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари” кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6741545>

Аннотация. Үшбү мақолада глобал тиббиёт ҳуқуқи ва соғлиқни сақлаши соҳаси ҳақида умумий маълумот берилади. Бу соҳанинг тарихий келиб чиқиши ва унинг замонавий эволюциясига ҳисса қўшадиган омилларни ўрганади. Бундан ташкари, мақолада ҳалқаро ҳуқуқнинг моҳияти ва аҳамияти ҳамда ҳалқаро ташкилотларнинг глобал соғлиқни сақлаши қонунини кодификациялашга қўшган ҳиссаси қисқача кўриб чиқилади. Жаҳон соғлиқни сақлаши ташкилоти (ЖССТ) ҳалқаро ҳуқуқнинг замонавий ривожланишидаги роли қонун ижодкорлиги мисоллари билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади

Калим сўзлар: ҳалқаро соғлиқни сақлаши ҳуқуқи, Ҳалқаро соғлиқни сақлаши қоидалари, Ҳалқаро ташкилотлар, Ҳалқаро муносабатлар, ёрдамчи репродуктив технологияларни ҳуқуқий тартибга солиш, бепуштлик,

МЕЖДУНАРОДНЫЕ МЕХАНИЗМЫ РЕГУЛИРУЮЩИЕ МЕДИЦИНСКОЕ ПРАВО

Аннотация. В этой статье дается обзор мирового медицинского права и области здравоохранения. В нем исследуются исторические корни отрасли и факторы, способствующие ее современному развитию. Кроме того, в статье кратко обсуждается природа и важность международного права, а также вклад международных организаций в кодификацию глобального права здравоохранения. Роль Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в современном развитии международного права будет рассмотрена в связи с примерами законодательства.

Ключевые слова: международное право здравоохранения, Международные медико-санитарные правила, Международные организации, Международные отношения, вспомогательные репродуктивные технологии, правовое регулирование, ЭКО, бесплодие, репродуктивный возраст, суррогатное материнство.

INTERNATIONAL MECHANISMS REGULATING MEDICAL LAW

Abstract. This article provides an overview of global medical law and the field of health. It examines the historical origins of the industry and the factors that contribute to its modern evolution. In addition, the article briefly discusses the nature and importance of international law and the contribution of international organizations to the codification of global health law. The role of the World Health Organization (WHO) in the modern development of international law will be considered in connection with examples of legislation

Keywords: international Health Law, International Health Regulations, International Organizations, International Relations, reproductive technologies, legal regulation, IVF fertilization, infertility.

КИРИШ

Сўнгги йигирма бир йил ичидаги тиббиёт соҳасининг ўсиши ва ривожланиши тиббиёт ҳуқуқ сиёсатида сезиларли ривожланиш бўлди. Анъанага қўра, тиббиёт ҳуқуқи деярли эксклюзив миллий юрисдикция соҳаси сифатида қаралган ва бу соҳадаги кўп томонлама ҳамкорлик фақат алоҳида соҳалар билан чекланган. Бугунги кунда тиббиёт ҳуқуқи асосан

маҳаллий ва миллий бўлиб қолмоқда, аммо глобал тиббиёт ҳуқуқи соҳаси мавжуд ва ўсиб бормоқда. Тиббиёт ҳуқуқи соҳаси тобора кенгайиб бормоқда уларга давлатлараро ва миллий хулқ-атворларни тартибга солувчи мажбурий стандартларини кодификация қилиш, шунингдек, давлат ҳаракатларига таъсир қилувчи бошқа глобал меъёрларни яратиш орқали амалга оширилмоқда.

Глобал тиббиёт ҳуқуқи соҳасида тобора кўпроқ турли хил муаммоларни, жумладан, аёлларнинг репродуктив ҳуқуқларини тартибга солиш; инсоннинг кўпайиши/клонланишини; орган трансплантацияси ва ксенотрансплантацияси; юқумли ва юқумли бўлмаган касалликлар; тиббий хизматлар хавфсизлигини назорат қилиш; ҳалқаро савдода озиқ-овқат ва фармацевтика дори воситаларидан фойдаланиш имконияти; тамаки ва гиёхвандлик каби гиёхванд моддаларни назорат қилишни ўз ичига олган.

Глобал тиббиёт ҳуқуқи, шунингдек, ҳалқаро ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган бошқа анъанавий соҳалар билан тобора кўпроқ боғланган. Жамоат саломатлиги ҳалқаро ҳамкорликнинг дастлабки соҳаларидан бири ва ҳукуматлараро ташкилот тузилган биринчи соҳалардан бири бўлса-да, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳалқаро ҳуқуқий ҳамкорлик доираси яқин вақтгача жуда чекланган эди.

Глобал тиббиёт ҳуқуқи жадалашганлиги сабабли, давлатлар ички соғлиқни сақлаш соҳасини мустаҳкамлаш учун ҳалқаро ҳамкорликка тобора кўпроқ мурожаат қилишлари керак. Бинобарин, глобаллашув билан боғлиқ соғлиқ учун хавф ва таҳдидларни назорат қилиш ва, эҳтимол, ўзгаришлар туфайли дунёда тиббиёт ҳуқуқини яхшилаш имкониятларидан фойдаланиш учун ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан кенроқ фойдаланишмиз кераклигини кўришимиз мумкин. Масалан, юқумли касалликларга қарши кураш бўйича кўп томонлама саъй-ҳаракатлар учун мўлжалланган ягона ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлган ЖССТ Ҳалқаро соғлиқни сақлаш қоидалари 2005 йилда юқумли касалликларнинг трансмиллийлашуви туфайли ортиб бораётган таҳдидни бартараф этиш ва янги қоидаларни киритиш учун қайта кўриб чиқилган ва ҳалқаро мувофиқлаштириш ва жавоб бериш механизмларини ишлаб чиқилган. Яна бир мисол сифатида, 2011 йилда ЖССТга аъзо давлатлар грипп вирусларини алмашибни осонлаштириш ва паст ва ўрга даромадли мамлакатларда вакциналар ва вирусга қарши дори воситаларидан фойдаланиш имкониятини ошириш учун Пандемияга тайёргарлик (ПИП) тизимини қабул қилинган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

ЖССТ Ҳалқаро соғлиқни сақлаш қоидаларида низомида тиббиёт ҳуқуқининг биринчи ҳалқаро ифодаси сифатида шундай дейилади: “Эришилиши мумкин бўлган энг юқори даражадаги соғлиқ ҳуқуқидан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири ва ирқидан қатъи назар, дини, сиёсий эътиқоди, иқтисодий ёки ижтимоий ҳолати. Тиббиёт ҳуқуқининг асосий ҳалқаро ҳуқуқий асоси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига эълон қилинган ҳалқаро инсон ҳуқуқлари ҳуқуқининг асосий ҳужжатларида жойлашган: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (1966) ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳалқаро пакт (1966).

Сўнги йилларда ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тобора кучайиб бораётганлигини қўзатишимиш мумкин, шунга қарамай ушбу йўналиш бўйича қўплаб камчиликлар мавжуд масалан қўпгина давлатлар томонидан ёрдамчи репродуктив

технологиялардан фойдаланишга рухсат берилган ва фойдаланиш бўйича ҳар бир давлат ўзининг қўллаш бўйича кўрсатмалари мавжуд. Асосан, ёрдамчи технологиялардан фойдаланиш ёзасидан алохида хусусий клиникалар мавжуд, камдан кам ҳолларда ёрдамчи репродуктив технологиялар давлат клиникарида амалга оширилади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дунё бўйлаб 60 дан 80 миллионгача одам бепуштликни бошдан кечиради ва уларнинг аксарияти ривожланаётган мамлакатларда яшайди. Дунё аҳолисининг 1% дан 8% гача бирламчи аҳолиси бор бепуштлик ва иккиламчи бепуштлик географик худудга қараб 35% гача учрайди.

Ривожланаётган мамлакатлардаги аёллар орасида бирламчи ва иккиламчи бепуштликнинг аксарияти юқумли касалликлардан пайдо бўлади. Бу курсаткичлар катталигига қарамай, нисбий соғлиқни сақлаш муаммоси сифатида бепуштликнинг аҳамияти жамоатчилик назарида камдан кам аниқланади, шу жумладан юқумли ва сурункали касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш ОИТС, сил ва безгак каби касалликлар дунё бўйлаб ҳар йили миллионлаб одамларни ўлдиради. Бу ҳақда баҳс юритилган ўлимга олиб келадиган ва юқумли бўлган кам ресурслари шароитларда бепуштлик нисбатан аҳамиятсиз касалликлар назоратсиз қолмоқда. Бундан ташқари, кўп холатларда хусусий клиникларда амалга оширилаётган бепуштликни даволаш билан синонимга айланган репродуктив технологиялардан фойдаланиш қиммат ва фойдасиз бўлиб бормоқда чунки ушбу йўналиш бўйича малакалий мутахассислар камлиги бу эса соғлиқни сақлаш соҳасини устуворлиги янада қисқартиromoқда.

Ривожланаётган мамлакатларда бепуштлик соғлиқни сақлашнинг устувор йўналиши эмас, бу шубҳасиз бундай мамлакатлардаги кўплаб шахслар учун ёрдамчи репродуктив хизматлардан фойдаланиш учун хусусий клиникларга мурожаат қилиш, кўп маблағлар кетишига ва кўп холатларда натижасиз бўлиб келмоқда. Масалан, Лотин Америкасида ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш давлат томонидан 1984 йилда бошланган ва биринчи чақалоқ дунёга келган. 1998 йилга келиб 84 та марказлар ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланишган ва хар бир натижа Лотин Америкаси соғлиқни сақлаш реестри маълумотларига тақдим қилинган.

МУҲОКАМА

Ўзбекистон Республикасида бепуштлик муаммоси нафақат тиббий, балки катта ижтимоий ва демографик аҳамиятга эга. 2019 йил статистик кўрсаткичига кўра, “бепуштлик” ташхиси қўйилган 26103 нафа аёл (хар 100 минг кишига 84,1%) ва 7023 (хар 100 минг кишига 37,5%) эркак бор.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурига асосан 2019 йил 11 март куни “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартиби солишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 14 январдаги 106-сон буйруғига билан Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилинди мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг

«Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига асосан ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартибини белгиланди.

Бир қатор МДХ мамлакатларида ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш амалиёти тартибга солинган, масалан Беларусь Республикасида ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш воситалари норматив-хуқуқий хужжатлар асосида ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Бепуштлик кўпинча алоҳида аёллар ва эркаклар ҳаётида асосий нуқтага айланади лекин баъзи мамлакатларда кўпинча бепуштлик билан аёллар айланади ва камдан кам ҳолатларда эркаклар ҳақида гапирилади бу эса аёлларнинг жамиятдаги роли камайтиради ва аёллар хуқуқларини паймол бўлишига олиб келади. Бундан ташқари бепуштлик сабабли никоҳлдан ажралишлар сони кўпайиши, кўпхотинлилик ва аёларнинг таҳқирланишига ҳам олиб келмоқда.

Натижада, кўплаб бепушт жуфтликлар даволанишга мурожаат қилишади лекин ҳусусий клиниклардаги муалажалар ҳар доим ҳам натижа беравермайди. Маданий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий воқелик ҳар бир мамлакат талаб даражасига таъсир кўрсатди бепуштлик бўйича хизматлар кўрсатиш ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Купгина мамлакатларда ЁРТ мавжуд эканлиги аммо бу соҳанинг танқис ресурслар комплекс билан бир қатор муаммолар мавжудлиги бепушт жуфтликлар, ушбу йўналишни амалга оширадиган тиббиёт ходимлари камлиги, давлат томонидан амалга оширилмаслиги фақатгина ҳусусий клиникларда амалга оширилиши, бепушт жуфтликларнинг хуқуқлари химоя қилинмаслиги шу сабабли никоҳдан ажрашиш сони кўплиги фуқароллар ва жамият учун жуда катта муаммоларга сабаб бўлиб келмоқда.

ХУЛОСА

Бу масалалар йиғилишларда ёки тегишли тарзда муҳокама қилинмайди, илмий адабиётлар тегишли қўлланмалар, фуқаролларга ёрдамчи репродуктив технологиялар ўзи нималиги, қандай амалга оширилиши ҳақида маълумотлар ҳам берилмайди. Жаҳон ҳамжамиятида муҳокамаларга сабаб бўлаётган ривожланаётган мамлакатларда ЁРТ фойдаланиш ортидан келиб чиқаётган муаммолари учта омил контекстида кўриб чиқилиши керак бўлар:

-ривожланаётган давлатлар томонидан ҳусусий клиникалар ЁРТ қандай фойдаланиб келишмоқда уларнинг фуқаролар билан тузилаётган шартномаларда фуқароларнинг хуқуқлари химоя қилинмоқдами;

-Бепуштлик бўйича хизматлар қайси хорижий давлат клиникаларида амалга оширилиши ва ўзимизда татбиқ этиш лозимлигини ўрганиш лозим шундаги биз ёрдамчи репродуктив технологияларни Ўзбекистон Республикаси татбиқ этилишига эришган бўлар эдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Gafurova N., Babaev J. Review protecting the rights of the patient as a consumer of health services: International standards and national legislation //Journal of Critical Reviews. – 2019. – Т. 7. – №. 1. – С. 2020.
2. Allyn L. Taylor -Global Health Law: International Law and Public Health Policy 2017 : 268–281.

3. Алмосова Шахноза Защита прав интеллектуальной собственности по Конституции и государственным программам // Review of law sciences. 2020. №Спецвыпуск.
4. Van Balen F, Gerrits T, Inchorn M, eds. Social science research on childlessness in a global perspective. Amsterdam: SCO-Kohlstam Instituut, 2000.
5. www.stat.uz
6. Юсупова Фарингиз СТАТЬЯ 40 КОНСТИТУЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН КАК ГАРАНТИЯ РЕПРОДУКТИВНЫХ ПРАВ ГРАЖДАН // Review of law sciences. 2020. № Спецвыпуск.
7. Eldarovna G. N., Ochilov K., Sobirov B. Problems of transplantation of human organs and tissues: international standards and international experience. Religación //Revista de Ciencias Sociales y Humanidades. – 2019. – Т. 4. – №. 16. – С. 714-719.
8. United Nations Population Fund. Report on the national consultation on infertility prevention and management. New Delhi: UNFPA, 1999.
9. Жалилов, Н. 2022. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси институтининг назарий асослари. Жамият ва инновациялар . 3, 4/S (May 2022), 397–403. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss4/S-pp397-403>.
10. Жалилов, Н. 2022. Профилактика инспектори маъмурий иш юритиш фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари. Жамият ва инновациялар . 2, 12/S (Feb. 2022), 348–352. DOI:<https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss12/S-pp348-352>.